

**Нефть-газ объектларини монтаж қилиш ва улардан  
фойдаланишда технология талабларига риоя  
этилишини назорат қилиш йўналиши бўйича**

**1. Газ тўлдириш станцияси ёки пункти орқали суюлтирилган газ сотиш фаолияти учун Вазирлар Маҳкамасидан лицензия олиш учун “Ўздавнефтгазинспекция”нинг газ тўлдириш станцияси ёки пунктида ўрнатилган технология жараёнларининг ва технологик асбоб ускуналари аҳволининг амалдаги нормалар ва қоидаларга мувофиқлиги юзасидан хулосасини олиш**

**Т А Р Т И Б И**

Ўзбекистон республикаси “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида” 2000 йил 25 майдаги қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг “Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида”ги 2003 йил 9 июлдаги 310-сон қарорига биноан лицензия олиш зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати белгиланган.

Суюлтирилган газ сотиш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Лицензияларни бериш ва бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни лицензиялаш комиссияси томонидан қабул қилинади.

Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга «Ўздавнефтгазинспекция»нинг газ тўлдириш станцияси ёки пунктида ўрнатилган технология жараёнларининг ва технология асбоб-ускуналари аҳволининг амалдаги нормалар ва қоидаларга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосасини тақдим этиши керак.

Газ (шу жумладан сиқилган табиий ва суюлтирилган углеводород газ) сотиш бўйича фаолиятни амалга оширишга лицензия 5 йил муддатга берилади. Лицензия беш йилдан кам муддатга фақат лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин.

“Ўздавнефтгазинспекция” хулосасини олиш учун лицензия талабгори томонидан инспекция бошлиғи номига корхонанинг жойлашган манзили ва шуғулланадиган фаолияти кўрсатилган ариза йўлланади.

Газ тўлдириш станцияси ёки пунктида ўрнатилган технология жараёнларининг ва технология асбоб-ускуналари аҳволининг амалдаги нормалар ва қоидаларга мослиги “Ўздавнефтгазинспекция” раҳбарияти томонидан тасдиқлаган саволнома бўйича мутахассислар томонидан кўрик ўтказилиб технологик талабларга мос келиши аниқлангандан сўнг тузилган маълумотномага асосан хулоса берилади.

Агарда ўтказилган кўрик натижасида камчиликлар аниқланган бўлса уларни бартараф этиш учун корхона раҳбарига ўтказилган кўрик натижасида аниқланган камчиликлар юзасидан тузилган маълумотнома тақдим этилиб ва камчиликлар бартараф этилгандан сўнг қайта мурожаат этиш тавсия этилади.

Газ тўлдириш станцияси ёки пункти орқали суюлтирилган газ сотиш фаолияти учун “Ўздавнефтгазинспекция” хулосасини олиш учун лицензия талабгори томонидан қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

а) газ тўлдириш станцияси ёки пункти лойиҳасини «Хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш» бўйича махсус лицензияга эга бўлган лойиҳачи корхона томонидан ишлаб чиқилганлиги;

б) газ тўлдириш станцияси ёки пункти лойиҳасига мутасадди корхона томонидан берилган эксперт хулосасининг мавжудлиги ҳамда буюртмачи корхона томонидан тасдиқланганлиги;

в) газ тўлдириш станцияси ёки пункти да ўрнатилган технологик асбоб-ускуналар, агрегатлар ва бошқа ускуна ва жиҳозларни жойлашувининг лойиҳага мувофиқлиги;

г) газ тўлдириш станцияси ёки пунктига ўрнатилган насосни сўриш технологик тизимида фильтр билан, газни ҳайдаш тизимида тескари (обратный) клапан билан жиҳозланганлиги ва ташқи атмосфера таъсиридан ҳимояланганлиги;

д) газ тўлдириш станцияси ёки пунктига ўрнатилган компрессорни сўриш технологик тизимини суюқлик ажратгич ҳамда газни ҳайдаш тизимини мойтўтгич билан таъминланганлиги ва ташқи атмосфера таъсиридан ҳимояланганлиги;

е) маҳсулотни қабул қилиш, сақлаш ва тарқатишда ўз эҳтиёжи ва технологик йўқотишлар миқдори бўйича ваколатли корхона томонидан ишлаб чиқилган услубни (методика) мавжудлиги

*Мурожаат учун телефонлар:* 8-371-267-23-46,

*Манзил:* 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси 32а,

Электрон манзили: [ngi@uznet.net](mailto:ngi@uznet.net)

[uzngi@exat.uz](mailto:uzngi@exat.uz)

Интернет манзили: [www.uzngi.uz](http://www.uzngi.uz)

**“ЎЗДАВНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ” МАЪМУРИЯТИ**

## **2. Кичик бизнес ва тадбиркорлар, корхона ҳамда ташкилотлар раҳбарлари диққатига !**

1. “Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотишга;
2. Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлашга;
3. Автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчаси орқали сиқилган газ сотишга;
4. Автомобилларга суюлтирилган газ қуйиш шохобчаси орқали суюлтирилган газ сотишга;
5. Газ тўлдириш станцияси орқали суюлтирилган газни қабул қилиш, сақлаш ва тарқатиш бўйича фаолиятни бошлаш учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш учун жойлардан йиғилиши керак бўлган ҳужжатлар тўғрисида

### **Э С Л А Т М А**

“Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги 71 – II сонли Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 9 июлдаги 310-сонли “Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида”ги қарори талабига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қуйидаги талаблар ва ҳужжатлар расмийлаштирилганидан сўнг фаолият тури бўйича лицензия тақдим этилади.

**Қарор талабига мувофиқ юқорида кўрсатилган барча фаолият тури билан шуғулланишни истаган талабгор томонидан қуйидаги лицензия талаблари ва шартларини бажариши лозим:**

#### **Лицензия талаблари ва шартлари**

а) лицензиат томонидан лицензия соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, шунингдек амалдаги экология, санитария, метрология, ёнғиндан сақлаш ва техник нормалар, нормативлар ва қоидаларга риоя этиш;

б) юридик шахс штаида лицензияда кўрсатилган фаолият тури бўйича тегишли маълумотга ва камида уч йил иш стажига эга бўлган раҳбар ва инженер-техник ходимларнинг, шунингдек махсус тайёргарликдан ўтган хизмат кўрсатувчи техник ходимларнинг мавжуд бўлиши;

в) сотиладиган маҳсулот турларига сифат сертификатининг мавжудлиги ва уларнинг амалда сифат сертификатига мувофиқлиги;

г) фаолиятнинг лицензияланаётган аниқ турини амалга ошириш, шу жумладан тегишли моддий-техника базасидан, нефть омборидан ва ёнилғи қуйиш асбоб-ускуналаридан, бошқа техника воситаларидан фойдаланиш учун шароитларнинг яратилганлиги;

д) лицензиат томонидан давлат сири ҳисобланадиган маълумотлардан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар бажарилган тақдирда режим органининг мавжудлиги;

е) лицензия талабгорига мулк ҳуқуқи билан ёки бошқа қонуний асосда тегишли бўлган, лицензияланадиган фаолият турини амалдаги нормалар ва қоидалар талабларига мувофиқ тўлиқ ҳажмда бажариш учун зарур бўлган моддий-техника базасининг

(бинолар, хоналар, қурилиш машиналари, механизмлар ва транспорт, асбоблар, энергетика қурилмалари, назорат ва ўлчов воситалари, ташкилий техника, компьютерлар) мавжуд бўлиши.

### **Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар**

Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

а) юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақамининг номери, лицензия бериш тўғрисида фаолиятнинг (ёхуд унинг бир қисмининг) лицензияланадиган тури ҳамда фаолиятнинг ушбу тури амалга ошириладиган муддат кўрсатилган ҳолдаги ариза;

б) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) лицензия бериш тўғрисидаги аризанинг лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

г) лицензия талабгори ходимларининг лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ келувчи малакага эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси, шу жумладан штатдаги ходимларнинг эгаллаб турган лавозимлари, маълумоти бўйича мутахассислиги, мутхассислиги бўйича иш стажи кўрсатилган рўйхати;

д) фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш учун фойдаланиладиган бинолар, хоналар, қурилиш машиналари, механизмлар ва транспорт, асбоблар, электр қурилмалари, назорат ва ўлчов воситалари, ташкилий техника, компьютерларга эгалик ҳуқуқининг ёки бошқа ашёвий ҳуқуқнинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат;

е) «Саноатконтехназорат» агентлигининг лицензия талабгори моддий-техника базасининг меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигига оид қонун ҳужжатларига мувофиқлиги, шунингдек ходимларнинг билимлари текширилганлиги тўғрисидаги ҳулосаси;

ж) «Ўздавнефтгазинспекция»нинг ўрнатилган технология жараёнларининг ва технология асбоб-ускуналари аҳволининг амалдаги нормалар ва қоидаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ҳулосаси;

з) Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси органларининг моддий-техника базаси ва ишларни амалга ошириш технологиясининг табиатни муҳофаза қилиш ва экология талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги ҳулосаси;

и) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёнгин назорати органларининг техника базасининг ва ходимларнинг ёнгиндан сақлаш талабларига мувофиқлиги ва тайёрланганлиги тўғрисидаги ҳулосаси;

Юқорида кўрсатилган талабларга қўшимча автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари ва автомобилларга газ қуйиш станциялари объектларини қуришни бошлашдан аввал:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 февралдаги 30-сон қарорининг 4 банди, шунингдек қўшимча равишда автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ёнилғи-энергетика манбааларини тежаш комиссиясининг 2011 йил 1 июлдаги 06-29-35-сон баённомаси қарорининг 4 банди талабига мувофиқ, лицензиялаш комиссиясига албатта Вилоят ҳокимлигидан ушбу шохобча Вилоятнинг ҳудудий жойлаштириш схемасига киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжат олиниши;

2. Автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчаси орқали сиқилган газ сотиш учун қўшимча “Ўзтрансгаз” АК сидан газ қувурига табиий газ олиш учун техник шарт олиш;

3. АГТҚШ ва АГҚШ сининг лойиҳаси «Хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш бўйича махсус лицензияга эга бўлган лойиҳачи корхона томонидан ишлаб чиқилиши;

4. АГТҚШ ва АГҚШ сининг қурилиши «Хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни қуриш бўйича махсус лицензияга эга бўлган лойиҳачи корхона томонидан қурилиши лозим.

*Мурожаат учун телефонлар:* 8-371-267-23-46,

*Манзил:* 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси 32а,

Электрон манзили: [ngi@uznet.net](mailto:ngi@uznet.net)

[uzngi@exat.uz](mailto:uzngi@exat.uz)

Интернет манзили: [www.uzngi.uz](http://www.uzngi.uz)

**“ЎЗДАВНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ” МАЪМУРИЯТИ**

**3. “Ўздавнефтгазинспекция” томонидан газ тўлдириш станциялари ва пунктларида ўрнатилган технология жараёнларининг ва технология асбоб ускуналари аҳволининг амалдаги нормалар ва қоидаларга мувофиқлиги юзасидан ўтказиладиган техник кўрикнинг**

**МИНИМАЛ ТАЛАБЛАРИ**

а) газ тўлдириш шохобчаси лойиҳасини «Хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш» бўйича махсус лицензияга эга бўлган лойиҳачи корхона томонидан ишлаб чиқилганлиги;

б) газ тўлдириш шохобчаси лойиҳасига мутасадди корхона томонидан берилган эксперт хулосасининг мавжудлиги ҳамда буюртмачи корхона томонидан тасдиқланганлиги;

в) автомобилларга газ тўлдириш шохобчасида ўрнатилган технологик асбоб-ускуналар, агрегатлар ва бошқа ускуна ва жиҳозларни жойлашувининг лойиҳага мувофиқлиги;

г) газ тўлдириш шохобчасига ўрнатилган насосни сўриш технологик тизимида фильтр билан, газни ҳайдаш тизимида тескари (обратный) клапан билан жиҳозланганлиги ва ташқи атмосфера таъсиридан ҳимояланганлиги;

д) газ тўлдириш шохобчасига ўрнатилган компрессорни сўриш технологик тизимини суюқлик ажратгич ҳамда газни ҳайдаш тизимини мойтўтгич билан таъминланганлиги ва ташқи атмосфера таъсиридан ҳимояланганлиги;

ж) махсулотни қабул қилиш, сақлаш ва тарқатишда ўз эҳтиёжи ва технологик йўқотишлар миқдори бўйича ваколатли корхона томонидан ишлаб чиқилган услубни (методика) мавжудлиги.

***Мурожаат учун телефонлар:*** 8-371-267-23-46,

***Манзил:*** 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси 32а,

Электрон манзили: [ngi@uznet.net](mailto:ngi@uznet.net)

[uzngi@exat.uz](mailto:uzngi@exat.uz)

Интернет манзили: [www.uzngi.uz](http://www.uzngi.uz)

**“ЎЗДАВНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ” МАЪМУРИЯТИ**

**4. Автомобилларга суюлтирилган газ қуйиш шохобчаси (АГҚШ) орқали суюлтирилган газ сотиш фаолияти учун Вазирлар Маҳкамасидан лицензия олиш учун “Ўздавнефтгазинспекция”нинг АГҚШ да ўрнатилган технология жараёнларининг ва технологик асбоб ускуналари аҳволининг амалдаги нормалар ва қоидаларга мувофиқлиги юзасидан хулосасини олиш**

**Т А Р Т И Б И**

Ўзбекистон республикаси “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида” 2000 йил 25 майдаги қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг “Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида”ги 2003 йил 9 июлдаги 310-сонли қарорига биноан лицензия олиш зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати белгиланган.

Суюлтирилган газ сотиш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Лицензияларни бериш ва бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни лицензиялаш комиссияси томонидан қабул қилинади.

Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга “Ўздавнефтгазинспекция”нинг АГҚШда ўрнатилган технология жараёнларининг ва технология асбоб-ускуналари аҳволининг амалдаги нормалар ва қоидаларга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосасини тақдим этиши керак.

Газ (шу жумладан сиқилган табиий ва суюлтирилган углеводород гази) сотиш бўйича фаолиятни амалга оширишга лицензия 5 йил муддатга берилади. Лицензия беш йилдан кам муддатга фақат лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин.

“Ўздавнефтгазинспекция” хулосасини олиш учун лицензия талабгори томонидан инспекция бошлиғи номига корхонанинг жойлашган манзили ва шуғулланадиган фаолияти кўрсатилган ариза йўлланади.

АГҚШда ўрнатилган технология жараёнларининг ва технология асбоб-ускуналари аҳволининг амалдаги нормалар ва қоидаларга мослиги “Ўздавнефтгазинспекция” раҳбарияти томонидан тасдиқлаган саволнома бўйича мутахассислар томонидан кўрик ўтказилиб технологик талабларга мос келиши аниқлангандан сўнг тузилган маълумотномага асосан хулоса берилади.

Агарда ўтказилган кўрик натижасида камчиликлар аниқланган бўлса уларни бартараф этиш учун корхона раҳбарига ўтказилган кўрик натижасида аниқланган камчиликлар юзасидан тузилган маълумотнома тақдим этилиб ва камчиликлар бартараф этилгандан сўнг қайта мурожаат этиш тавсия этилади.

АГҚШ орқали суюлтирилган газ сотиш фаолияти учун “Ўздавнефтгазинспекция” хулосасини олиш учун лицензия талабгори томонидан қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:



а) автомобилларга газ қуйиш шохобчаси лойиҳасини «Хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш» бўйича махсус лицензияга эга бўлган лойиҳачи корхона томонидан ишлаб чиқилганлиги;

б) автомобилларга газ қуйиш шохобчаси лойиҳасига мутасадди корхона томонидан берилган эксперт хулосасининг мавжудлиги ҳамда буюртмачи корхона томонидан тасдиқланганлиги;

в) автомобилларга газ қуйиш шохобчасида ўрнатилган технологик асбоб-ускуналар, агрегатлар ва бошқа ускуна ва жиҳозларни жойлашувининг лойиҳага мувофиқлиги;

г) автомобилларга газ қуйиш шохобчасига ўрнатилган насосни сўриш технологик тизимида фильтр билан, газни ҳайдаш тизимида тескари (обратный) клапан билан жиҳозланганлиги ва ташқи атмосфера таъсиридан ҳимояланганлиги;

д) автомобилларга газ қуйиш шохобчасига ўрнатилган компрессорнинг сўриш технологик тизимини суюқлик ажратгич билан, газни ҳайдаш тизимини мойтўтгич билан таъминланганлиги ва ташқи атмосфера таъсиридан ҳимояланганлиги;

е) автомобилларга газ қуйиш шохобчасида ҳисоб-китоб тизимини яратилганлиги ва яроқлилигини тасдиқловчи мутасадди корхоналар томонидан берилган ҳужжатларни мавжудлиги;

ж) автомобилларга газ қуйиш шохобчасида автомобилларга газ тўлдириш регламентининг мавжудлиги;

з) автомобилларга газ қуйиш шохобчасида маҳсулотни қабул қилиш, сақлаш ва тарқатишда ўз эҳтиёжи ва технологик йўқотишлар миқдори бўйича ваколатли корхона томонидан ишлаб чиқилган услуб (методика)ни мавжудлиги.

***Мурожаат учун телефонлар:*** 8-371-267-23-46,

***Манзил:*** 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси 32а,

Электрон манзили: [ngi@uznet.net](mailto:ngi@uznet.net)

[uzngi@exat.uz](mailto:uzngi@exat.uz)

Интернет манзили: [www.uzngi.uz](http://www.uzngi.uz)

**“ЎЗДАВНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ” МАЪМУРИЯТИ**

**5. Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва таъмирлаш фаолияти учун Вазирлар Маҳкамасидан лицензия олиш учун “Ўздавнефтгазинспекция”нинг ўрнатилган технология жараёнларининг ва технология асбоб-ускуналари аҳволининг амалдаги нормалар ва қоидаларга мувофиқлиги тўғрисидаги (магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш фаолияти бундан мустасно) хулосасини олиш**

**ТАРТИБИ**

Ўзбекистон республикаси “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида” 2000 йил 25 майдаги қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг “Нефть, газ ҳамда газ конденсатини казиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида”ги 2003 йил 9 июлдаги 310-сон қарорига биноан лицензия олиш зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати белгиланган.

Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Лицензияларни бериш ва бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Нефть, газ ҳамда газ конденсатини казиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни лицензиялаш комиссияси томонидан қабул қилинади.

Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга “Ўздавнефтгазинспекция”нинг ўрнатилган технология жараёнларининг ва технология асбоб-ускуналари аҳволининг амалдаги нормалар ва қоидаларга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосасини тақдим этиши керак.

Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини амалга оширишга лицензия амал қилиш муддати чекланмаган муддатга берилади.

“Ўздавнефтгазинспекция” хулосасини олиш учун лицензия талабгори томонидан инспекция бошлиғи номига корхонанинг жойлашган манзили ва шуғулланадиган фаолияти кўрсатилган ариза йўлланади.

Ўрнатилган технология жараёнларининг ва технология асбоб-ускуналари аҳволининг амалдаги нормалар ва қоидаларга мослиги “Ўздавнефтгазинспекция” раҳбарияти томонидан тасдиқлаган саволнома бўйича мутахассислар томонидан кўрик ўтказилиб технологик талабларга мос келиши аниқлангандан сўнг тузилган маълумотномага асосан хулоса берилади.

Агарда ўтказилган кўрик натижасида камчиликлар аниқланган бўлса уларни бартараф этиш учун корхона раҳбарига ўтказилган кўрик натижасида аниқланган камчиликлар юзасидан тузилган маълумотнома тақдим этилиб ва камчиликлар бартараф этилгандан сўнг қайта мурожаат этиш тавсия этилади.

**Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолияти учун “Ўздавнефтгазинспекция” хулосасини олиш учун лицензия талабгори томонидан қуйидагилар тақдим этилиши керак:**

**I. Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари  
қувурларини қуришга:**

- а) қурилиш ва монтаж ишларини бажарувчи техника ва механизмлар билан таъминланганлиги ва техник ҳолати тўғрисида маълумот;
- б) буюртмачи томонидан тасдиқланган жорий йилда қуриладиган нефть - газ объектлари рўйхатининг мавжудлиги;
- в) пайвандлаш ва изоляциялаш ишларини сифатини назорат қилиш асбоб ва ускуналари билан таъминланганлиги тўғрисида маълумотнинг мавжудлиги;
- г) пайвандлаш ва изоляциялаш ишларини сифатини назорат қилиш лабораториянинг ёки бошқа лаборатория билан тузилган шартноманинг мавжудлиги, унинг керакли асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги;
- д) қурилиш ва монтаж ишларини амалга ошириш учун ёқилғи маҳсулотларини сақлаш ва тарқатиш тизимини яратилганлиги;
- е) қурилиш ва монтаж ишларини амалга оширишга тегишли бўлган норматив-техник ҳужжатлар билан таъминланганлиги ва уларнинг рўйхати.

**II. Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари  
қувурларидан фойдаланиш фаолияти бўйича:**

- а) барча технологик жараёнлар бўйича тасдиқланган технологик регламентнинг мавжудлиги;
- б) корхонага ўрнатилган ускуналар (магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурлари, компрессор станция, газ тақсимлаш станцияси, ер ости газ сақлаш иншооти)нинг рўйхати ва техник характеристикалари;
- в) магистрал қувурларга ўрнатилган ёпувчи, бошқарувчи мосламалар ва клапанларни техник ҳолати ва фойдаланишга яроқлилиги тўғрисида тегишли корхоналар томонидан берилган ҳужжатларнинг мавжудлиги;
- г) кимё-назорат лабораторияларнинг етарли даражада назорат асбоб-ускуналари билан бутлангани ва кимёвий реагентлар билан таъминланганлиги;
- д) корхонадаги мавжуд машъал хўжалигининг (Факеллар) ҳолати ва ва газ ҳисоблаш ускуналари билан таъминланганлиги;
- е) ихтисослашган ташкилот томонидан нефть, газ ҳамда нефть маҳсулотларини технологик йўқотиш меъёрларини ишлаб чиқарилганлиги, ҳамда унинг корхона раҳбари томонидан тасдиқланганлиги.

**III. Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари  
қувурларининг таъмирлаш фаолияти бўйича:**

- а) белгиланган меъёр рўйхатига мувофиқ, таъмирлаш ва тиклаш хизмати, механизмлар, асбоб-ускуналар, транспорт, назорат ва ўлчов воситалари, ташкилий техника ва бошқа воситалари билан таъминланиши;
- б) пайвандлаш ва изоляциялаш ишларини сифатини назорат қилиш асбоб ва ускуналари билан таъминланганлиги тўғрисида маълумотнинг мавжудлиги;
- в) пайвандлаш ва изоляциялаш ишларини сифатини назорат қилиш лабораториянинг ёки бошқа лаборатория билан тузилган шартноманинг мавжудлиги, унинг керакли асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги;

г) таъмирлаш ишларини амалга оширишга тегишли бўлган норматив-техник ҳужжатлар билан таъминланганлиги ва уларнинг рўйхати.

***Мурожаат учун телефонлар:*** 8-371-267-23-46,

***Манзил:*** 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси 32а,

Электрон манзили: [ngi@uznet.net](mailto:ngi@uznet.net)

[uzngi@exat.uz](mailto:uzngi@exat.uz)

Интернет манзили: [www.uzngi.uz](http://www.uzngi.uz)

## **“ЎЗДАВНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ” МАЪМУРИЯТИ**

### **6. Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича фаолияти учун Вазирлар Маҳкамасидан лицензия олиш учун “Ўздавнефтгазинспекция”нинг ўрнатилган технология жараёнларининг ва технологик асбоб ускуналари аҳволининг амалдаги нормалар ва қоидаларга мувофиқлиги юзасидан хулосасини олиш**

#### **ТАРТИБИ**

Ўзбекистон республикаси “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида” 2000 йил 25 майдаги қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг “Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида”ги 2003 йил 9 июлдаги 310-сон қарорига биноан лицензия олиш зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати белгиланган.

Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича фаолият фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Лицензияларни бериш ва бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) томонидан қабул қилинади.

Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга “Ўздавнефтгазинспекция”нинг ўрнатилган технология жараёнларининг ва технология асбоб-ускуналари аҳволининг амалдаги нормалар ва қоидаларга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосасини тақдим этиши керак.

Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича фаолиятни амалга оширишга лицензия 5 йил муддатга берилади. Лицензия беш йилдан кам муддатга фақат лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин.

“Ўздавнефтгазинспекция” хулосасини олиш учун лицензия талабгори томонидан инспекция бошлиғи номига корхонанинг жойлашган манзили ва шуғулланадиган фаолияти кўрсатилган ариза йўлланади.

Корхонада ўрнатилган технология жараёнларининг ва технология асбоб-ускуналари аҳволининг амалдаги нормалар ва қоидаларга мослиги “Ўздавнефтгазинспекция” раҳбарияти томонидан тасдиқлаган саволнома бўйича мутахассислар томонидан кўрик ўтказилиб технологик талабларга мос келиши аниқлангандан сўнг тузилган маълумотномага асосан хулоса берилади.

Агарда ўтказилган кўрик натижасида камчиликлар аниқланган бўлса уларни бартараф этиш учун корхона раҳбарига ўтказилган кўрик натижасида аниқланган камчиликлар юзасидан тузилган маълумотнома тақдим этилиб ва камчиликлар бартараф этилгандан сўнг қайта мурожаат этиш тавсия этилади.

Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш фаолияти бўйича “Ўздавнефтгазинспекция” хулосасини олиш учун лицензия талабгори қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- а) корхона лойиҳасини «Хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш» бўйича махсус лицензияга эга бўлган лойиҳачи корхона томонидан ишлаб чиқилганлиги;
- б) корхона лойиҳасига мутасадди корхона томонидан берилган эксперт хулосасининг мавжудлиги ҳамда буюртмачи корхона томонидан тасдиқланганлиги;
- в) корхонадаги мавжуд ўрнатилган технологик асбоб-ускуна ва агрегатларнинг лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлиги;
- г) барча технологик жараёнлар бўйича мутасадди корхоналар томонидан ишлаб чиқилиб, корхона томонидан тасдиқланган технологик регламентларнинг мавжудлиги;
